

Депутатлар кийими
қолипга
солинади



2-бет

Россия
паспорти
ҳимоя
чорасими?



4-бет

Ҳуқуқингизни
билиб
олинг



8-бет

Дайджест

ҳолис ахборот олиш имкони

www.uzpress.kg

№2 (14), 29 ИЮНЬ 2012 ЙИЛ

3-бет

Мухолифат Конституцияни ўзгартирмоқчи

Нима учун Қирғизистон аҳолиси минтақада энг бахтли?

• БиБиСи радиоси

Жаҳон мамлакатлари фаровонлиги даражасини ўрганувчи "The Happy Planet Index" учинчи бор бахтлилик индексини чоп этди.

Ушбу ҳисобот муаллифларига кўра, жадвалда қайси мамлакат ўз аҳолиси учун узоқ, бахтли ва атроф муҳитга иложи борича камроқ зарар етказувчи йўсинда ҳаёт кечириш имконини не қадар яратаётгани ўлчамлари келтирилган.

Бу галги жадвалда 151 мамлакатдан

йиғилган маълумотлар муқояса қилинган. Марказий Осиё давлатлари орасида бу йилги жадвалда "бахтлилик" бўйича энг юқори ўринда, Қирғизистон. 151 мамлакат орасида Қирғизистон бахтлилик бўйича 38 мавқега чиқишга муваффақ бўлган.

Тожикистон 43- ўринда, Ўзбекистон 54-, Туркменистон 95- ва иқтисодий жиҳатдан минтақада энг фарвон бўлган Қозоғистон аҳолиси бахтлилик жиҳатидан минтақада энг пастда, яъни умумий жадвалда 119 ўринда.

Сал пастроқда эса, 122- ўринда Россия.

Ҳисоботда шунингдек, бахтлилик даражаси охириги йиллар мобайнида салмоқли даражада ошган ва тушиб кетган давлатлар ҳам алоҳида санаб ўтилган.

Салвадор, Словакия, Чили, Бразилия ва Олмония аҳолисининг "бахтлилиги" даражаси 2007-2010 йиллар оралиғида ошган.

Марокаш, Испания, Юнонистон, Тунис, Миср ва Хитойда эса ўзини бахтиёр ҳис этувчилар сони камайган кўринади.

Бахтлилик жадвалининг энг пастки ўринларини Мали, Марказий Африка Республикаси, Қатар, Чад ва Ботсвана эгаллаганлар. ■

Йўл кира қимматлаши мумкин

Ўш шаҳрида доимий қатновдаги автоуловларда йўлкира қимматлаши мумкин

• CA-NEWS

Ўш шаҳар йўловчиларни ташиш агентлиги бошлиғи Искендер Жўрўевнинг билдиришича, Ўш шаҳридаги доимий қатновдаги автомашиналарда йўлкира қимматлаши мумкин. Бу ҳақда "Баракелда" сайти хабар қилади.

И.Жўрўевнинг айтишига қараганда, ёнилғининг ҳамда озиқ-овқатнинг қимматлагани боис кўпчилик ҳайдовчилар йўлкира қийматини кўтаришни сўраб ариза берган.

"Таклиф тайёрланиб, шаҳар кенгашига юборилди. У қараб чиқилиб, розилик берилса, қатновдаги машиналарда йўл ҳақи 10 сўм, автобусда - 7, троллейбусда - 8 сўмга кўтарилади", - дейди И.Жўрўев.

Шаҳарда ҳаракат қилувчи қатновдаги таксиларнинг ҳайдовчилари томонидан қўйилган бундай талаб Бишкек шаҳрида ёнилғининг арзонлиги, йўлқиранинг қимматлиги ҳамда Ўш шаҳрида бензиннинг қимматлиги ва йўл ҳақининг арзонлиги билан тушунтирилмоқда.

Маҳкама етакчилари ишдан олинди

Ўшнинг тергов маҳкамасининг уч нафар етакчиси ишдан олинди - "Азаттык"

• CA-NEWS

Жазо ўташ хизматининг Ўшдаги №25 тергов маҳкамасининг етакчиси Абдиқадир Асанов ва унинг ўринбосарлари Адилбек Абдилдаев билан Нурали Чекиргозовлар эгаллаб турган лавозимларидан бўшатирилган. Бу ҳақда жазо ўташ хизматидан хабар беришди, - деб ёзади "Баракелда" сайти.

Бундай қарор хизмат зарурияти боис қабул қилинганлиги айтилмоқда. Маҳкаманинг янги етакчиси этиб Қалиқбек Қалмаатов тайинланди. У муқаддам у №3- маҳкамани бошқарган. Янги етакчини Ўшнинг тергов маҳкамаси ходимларига Жазони ўташ хизматининг етакчиси Алиқбек Мамиркулов бугун ўзи бориб таништирди, - дейилади "Баракелда"нинг "Азаттык"ка таяниб тарқатган хабарида.

WWW.UZPRESS.KG

- маълумот-таҳлилий портали • Сиёсат оламини қадам ба қадам кузатиб бориш имкони... • Халқаро оммавий ахборот воситаларининг сиёсий шарҳловчилари, журналистлари таҳлиллари билан танишиш имкони... • Юракни қийнаётган, ўртаётган муаммолар билан, долзарб фикрлар билан фикрлашиш имкони... • Буларнинг барини Сизга www.uzpress.kg маълумот - таҳлилий портали таклиф қилади

Коммиссия норозилиги

Н.Тюлеевнинг ҳибсга олиниши тафсилотларини ўрганиб чиқиш бўйича комиссия А. Саянова ва Ш.Атахановнинг лавозимига мувофиқлиги ҳақидаги масалани кўтармоқда

• CA-NEWS

НариманТюлеевни ҳибсга олиниши тафсилотларини ўрганиб чиқиш бўйича комиссия Бош прокурор А. Саянова ва ДМХК бошлиғи Ш.Атахановнинг лавозимига муносиблиги ҳақидаги масалани кўтармоқда.

Комиссия аъзоси Нурбек Мурашевнинг 29 июнда АКИргесс га таъкидлашчи, Бош прокуратура ва Миллий хавфсизлик давлат комитети Тюлеевнинг



ҳибсга олиниши билан боғлиқ зарур материалларни тақдим этиш ҳақидаги илтимосини рад этганлар.

Унинг сўзларига кўра, комиссия аъзоларининг фикрича, Н.Тюлеевни мажбурий тарзда олиб келинишида қонунчилик бузилган. “Улар чақирув қоғозини унга соат 17.00 га етиб келсин деб 16.45 да юборишган. Соат 19 бўлса уни ушлаб кетишган. Аслида қонунга мувофиқ, улар 2-3 марта чақирув қоғозини юборишлари керак эди, агарда шундан кейин келмаса, ушлаб кетишлари мумкин эди”, - дейди Н.Мурашев. ■

Депутат қамоқда очлик эълон қилди

Қирғиз парламенти депутати қамоқда очлик
эълон қилди

• Озодлик радиоси

Қирғизистонда коррупцияда айбланиб қамоққа олинган парламент депутати Наримон Тулеев бир неча кундан бери очликни тўхтатгани йўқ.

Қирғиз парламенти депутати Наримон Тулеевнинг адвокати Султон Баратов ўз ҳимоясидаги одам ўзининг ноқонуний қамоққа олинишига норозилик сифатида очлик эълон қилганини ва ўзига нисбатан адолатли қарор чиқарилмагунга қадар очликни тўхтатмаслик ниятида эканини билдирди.

Адвокатнинг айтишича, бир неча кунлик очлик оқибатида Наримон Тулеевнинг саломатлиги ёмонлашган.

Наримон Тулеев 24 июн куни Бишкек шаҳар Биринчи май туман судининг қарори билан 2 ойга ҳибс қилинган эди. Қирғизистон Бош прокуратураси депутатни 2008-2010 йилларда Бишкек шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турганида давлат бюджетига бир миллион 400 минг доллар зиён келтирилганлигида айбламоқда.

- Коррупция ўта оғир жиноят ҳисобланади. Қонунчиликда оғир жиноят содир этган депутатларни парламентдан рухсат олмай жиноий жавобгарликка тортишга рухсат берилган, - деди Қирғизистон Бош прокуратураси расмийси Жанибек Салиев.

Наримон Тулеев эса парламентда ҳу-

куматга ишончсизлик билдириш ҳаракатини қўллагани учун қамоққа олинганини, унинг иши “сиёсий буюртма”дан иборатлигини иддао қилмоқда.

Қирғиз парламенти депутатлари аввалга ўз ҳамкасбларининг ҳибс қилинишига қаршилик кўрсатган бўлсалар-да, Бош прокуратура баёнотидан сўнг Тюлеевни очикдан-очик қўллаб чиқишдан тийилмоқдалар. Парламент депутати Ҳурбек Текебаев “Депутатнинг қамоққа олиниши коррупцияга қарши курашга ижобий таъсир кўрсатишини” айтди. Унинг фикрини бошқа депутатлар ҳам қўллади.

- Ўта оғир жиноят қилган депутатларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласида парламентдан рухсат олишга ҳожат йўқ. Коррупцияга аралашган ҳар қандай одам, у вазир бўладими ёки депутатми, албатта ўз жазосини олиши керак, - деди депутат Туратбек Мадилбеков.

Бундан аввалроқ Бош прокуратура парламент депутати Исхак Пирматовни коррупцияда айблаган эди. Бироқ парламентда кўпчилик депутатлар Пирматовга нисбатан жиноий иш қўзғалишига қарши овоз беришган эди.

Қирғизистондаги бир қатор нодавлат ташкилотлари шундан келиб чиққан ҳолда парламент депутатларидан Бош прокуратурага коррупцияда айбланаётган Наримон Тулеев ишини тергов қилишга ҳалақит бермасликни талаб қилмоқда. ■



Парламент депутатлар кийимини қолипга солмоқчи

Собиқ Омбудсмен, Ар-Намус партиясининг қирғиз парламентидаги фракцияси аъзоси Турсунбой Бакир ўғли мамлакат парламентида ишловчилар ва бу ерга кирувчилар учун кийиниш тартиби жорий қилиш таклифи билан чиқди.

• Озодлик радиоси

Айни кунларда Бишкекда ёз кўеши қизитгандан қизитмоқда. Ҳаво ҳарорати 33 даражадан ошган ёз кўеши парламент ичидаги баҳслар ҳовурини ҳам оширмоқда.

Иссиқ туфайли кийимлар қатини ечиб, имкон қадар енгиллашиб олган парламентда ишловчи қиз-жувонлар, исломий кўз қарашлари билан танилган депутат Турсунбой Бакир ўғли нафсониятига тегибди.

Парламент биноси ичкарасидаги очик -социкликдан уялиб, қаерга қарашини билмай қолганини эътироф этган депутат, халқ нойиблари ишловчи бу бинога аёлларнинг мини юбкалари ўйма ёқалар, баданга ёпишган кийим билан кийишини тақиқлаш ғоясини ўртага ташлади.

“Ҳозиргина танаффусга чиқдим. Коридорда олдимдан мини юбка кийган қиз юриб қолди. Шу қизга қарамай деб кўзимни бошқа жойга олсам, қоқилиб йиқилиб тушай дедим”, деди парламент минбарига чиқиб Турсунбой Бакир ўғли.

Исломий қарашлари билан танилган Бакир ўғли бу кўрганларидан зорланиб, парламент биноси ичида мини юбка ва баданга ёпишиб турадиган кийим кийишни тақиқлаш таклифини илгари сурди.

Twitter тармоғида анчагина фаол бўлган депутат ҳозирда ўз ғоясини жамоатчиликка тарқатиш билан машғул.

“Советларгача қирғиз аёлларининг либоси исломий эди. Момоларимиз узун кўйлак, рўмол ва элечек кийишган”, дея зорланди депутат ўз твитларидан бирида.

Турсунбой Бакир ўғли бошлаган ташаббусни Қирғизистон парламенти қошидаги Ахлоқ ва қоидалар қўмитаси илиб кетди ва кийиниш қуюшқонининг нафақат парламент биноси ичида ишловчилар, балки унга кирувчилар, хусусан журналистларга ҳам таллуқли бўлиши лозимлигини талаб қилишга ўтди.

Бу тақиққа оид 26 июн куни ҳозирланган қонун матни депутатлар ёзги таътилдан қайтгач, муҳокамага қўйиладиган бўлди.

Ҳужжат лойиҳасида калта юбка, ўйма

ёқа, футболка, жинси, очик кавуш ва ҳатто атир сепганларни парламент биносига киритмаслик таклиф этилган.

Тақиқ нафақат кийимнинг шакли-шамойили, балки унинг рангига ҳам тааллуқли – парламентга фақат қора, кул ранг, кўнғир ва оқ ранг кийганлар қўйиладиган бўлди.

Бундай кескин чекловнинг жамоатчилик орасида қарама-қаршилик уйғотганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Муҳолифатдаги Ата-Журт партияси депутати Достон Жумабеков таклиф этилган қуюшқоннинг қуюшқондан чиққанини айтади:

- Атир сепишни тақиқлашга ҳожат йўқ. Ҳар ким ўзига ёққан атирини сепишга ҳақли. Шахсан мен, ҳаддан ташқари калта юбка кийилишига қаршиман. Рисоладагидай, ўртача узунликдаги юбка кийишларига эътирозим йўқ. Худди шундай, аёлларнинг қайси рангга кийим кийишини ҳам чеклаш ҳаддан ошиш бўлади, дейди муҳолифатчи депутат.

Хукмрон Ата Мекен партиясининг парламентдаги намояндаси, машҳур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг қизи Ширин Айтматова дунё бўйича расмий идораларда кийинишга оид муайян қоидалар борлигини айтади. Айни пайтда, бу депутат аёл, бундай қоидаларнинг парламент биносига кирувчиларга тааллуқли бўлишига ҳожат йўқ, деган фикрда:

- Агар бундай қоидалар истаганини кийишга ўрганиб қолган журналист ёки фуқаровий жамияти вакиллари ҳам жорий этиладиган бўлса, бу бошқа масала. Менимча, аксар депутатлар бундай чекловни журналистлар ёхуд парламент биносига кирувчиларга ҳам татбиқ қилишга зарурат йўқлигини яхши билдилар, дейди Ширин Айтматова.

Парламент қўмитаси ҳозирлаган ҳужжатнинг депутатлар ёзги таътилдан қайтгач, овозга қўйилиши кутилмоқда.

Унча ёз кўеши ҳовуридан тушиб, салқинлаган ҳаволар парламентда ишловчи аёлларни устки кийимлар қатини кўпайтиришга мажбурлаши тайин.

Хонимлар устидаги кийимларнинг қалинлашиб, узунлашгани эса улар кийимини қолипга солиш ғоясининг оташин тарафдорларини ҳам ҳовурдан туширса, ажаб эмас. ■

Мухолифат Конституцияни ўзгартирмоқчи

Қирғизистонда 46 нодавлат ташкилот ва 10 та сиёсий партия амалдаги Конституцияни ўзгартириш мақсадида Халқ Конституцияси кенгашини ташкил қилди.

• Озодлик радиоси

Қирғизистонлик таниқли жамоат арбоби Мукар Чўлпўнбаев Халқ Конституциявий кенгаши штабининг аъзоси. Унинг айтишича, 26 июн куни Бишкекда ўтган мухолифат йиғинида Қирғизистоннинг амалдаги Конституциясини ўзгартириш қарори қабул қилинган. Мукар Чўлпўнбаев янги Конституция матни кузгача ишлаб чиқиши, жамиятда муҳокама қилиниши ва парламентга тақдим этилишини билдирди.

- Йиғинга келган барча одамлар бир овоздан Текебаевнинг Конституциясини яроқсиз деб топди. Шунинг учун ҳам янги Конституцияни ёзиш қарори қабул қилинди, - деди Мукар Чўлпўнбаев.

2010 йилда парламент депутати Ўмурбек Текебаев ташаббуси билан Қирғизис-

тоннинг парламент республикаси экани эълон қилинган амалдаги Конституция қабул қилинган эди. Мазкур Конституцияда асосий ваколатлар парламентга берилган. Ички ва ташқи сиёсатни юритиш Бош вазир зиммасига юклатилган. Президентга эса асосан рамзий маънодаги ваколатлар берилган. Масалан, президент давлат мукофотларини тақдим этади, парламент томонидан қабул қилинган қонунларни имзолайди. Агар президент қонунни имзолашдан бош тортса, муайян вақтдан сўнг президент имзоламаган қонун ҳам парламент қарори билан кучга киради.

Мухолифатчиларга кўра, амалдаги Конституцияда президент ваколатларининг кескин қисқартирилгани, асосий ҳокимият парламент ва Бош вазир қўлида жамлангани Қирғизистонда бошбошдоқликнинг кучайишига сабаб бўлмоқда.

Бироқ Конституцияни ўзгартириш борасида барча мухолифатчиларнинг фикрлари яқдил эмас. Мухолифатнинг бир қисми Қирғизистонга парламент ҳокимиятини янада мустақамловчи Кон-

ституция зарур деб ҳисоблайди:

- Ҳозирги Конституциянинг битта камчилиги бор, у ҳам бўлса Конституцияда парламентнинг эмас, Бош вазирнинг ҳо-



кимияти мустақамланган. Шунинг учун бизга президент ёки Бош вазир ҳокимиятини эмас, парламент ҳокимиятини мустақамлайдиган Конституция зарур, - дейди мухолифатчи Қубатбек Байболов.

Амалдаги Конституциянинг муаллифи сифатида талқин этиладиган Ўмурбек Текебаев эса бош қонунга ўзгартириш киришти учун асос йўқлигини айтади:

- Ўн саккиз йил ичида Қирғизистонда Конституция 10 марта ўзгартирилди. Ақаев Конституцияни охириги марта 2002 йилда ўзгартирди. Бироқ бу Конституция уни сақлаб қола олмади. Халқ уни 2005 йилда ҳокимиятдан ағдарди. Бакиев Конституцияни икки марта ўзгартирди. Учинчи марта 2009 йилда Бош қонунни ўзгартиришга ҳаракат қилди. Бироқ 2010 йилда халқ уни ҳам ҳокимиятдан ағдарди.

2010 йилда амалдаги Конституция қабул қилинди. Бу Конституция қабул қилингунига қадар ўрта ҳисоб билан ҳар бир йилу етти ойда Бош қонун алмаштирилиб турилган. Аммо мана икки йилдириги амалдаги Конституцияга бирорта ҳам ўзгартиришлар киритилмади. Амалдаги Конституция Қирғизистонда шу кунгача ўзгартирилмаган ягона Конституция бўлиб қолмоқда, - деди Ўмурбек Текебаев. ■

“Қумтор” можароси

Қирғизистонда “Қумтор” олтин конини миллийлаштириш ҳаракатлари бормоқда

• CA-NEWS

Қирғизистонда коррупцияга қарши ҳаракат “Қумтор” олтин конини миллийлаштиришни дастаклаб намойиш ўтказмоқда.

“Centerra Gold” ширкати ҳиссалари қиймати учдан бирига тушиб кетган.

Ўз ўрнида “Centerra Gold” Қирғизистон парламент кўмитаси эълон қилган ҳисоботни рад этган.

Айни пайтда Қирғизистон парламенти “Қумтор” конини миллийлаштириш бўйича овоз бериши кутилади.

Ҳозир ташаббусчилари Канада ширкати билан келишувларнинг барчасини бекор қилиш ва давлат назоратидаги янги ширкат барпо этишга қақаришмоқда.

“Қумтор”ни давлат назоратига ўтказиш тарафдорлари кондаги фаолиятни экологик ҳалокат деб таърифлашган.

Аммо, ҳамма ҳам бу фикрларга қўшилмайди. Қатор иқтисодчилар ва мутахассислар “Қумтор” олтин конининг давлат назоратига ўтказилиши Қирғизистон иқтисоди учун катта зарар экани ва хорижий сармоядорларни қўрқитиб юбориши мумкинлигидан огоҳлантиришади.

Йилига 15-20 тонна олтин ишлаб чиқариладиган “Қумтор” олтин конини миллийлаштиришга оид лойиҳа бўйича мулоҳасалар ўтган ҳафта охирида бошланган.

Душанба куни масала парламент кўмитасида муҳокама қилинган. Бугун депутатлар олтин конининг келажаги бўйича қонун-қоидалар ишлаб чиқишлари кутилаётгани ҳам хабар қилинади.

“Қумтор” олтин кони Қирғизистон иқтисодида муҳим рол ўйнайди.

Кон Қирғизистондаги саноат ишлаб чиқаришининг 60 фоизини ташкил қилади ҳамда унинг миллий иқтисодга қўшаётган йиллик ҳиссаси 12 фоиз экани айтилади. ■



Уйлар йўлга ҳалақит қиляптими? Бузилади!

Ўш шаҳрида Мўнуев ва Мажнунтол кўчаларини қайта таъмирлаш жараёнида бузилиши керак 24 та ҳусусий уй эгаларини кўчириши бошланди.

• CA-NEWS

Белгилаб ўтамыз, Ўш шаҳри мэриясининг умумий лойиҳаси доирасида Мўнуев кўчасини Масалиев проспектидан Ақ – Буура кўчасигача бўлган қисмини шаҳар марказидаги транспорт ҳаракатини осонлаштириш мақсадида кенгайтириш режалаштирган.

Курилиш жараёнида 24 та ҳусусий уй бузилиши керак, уй эгалари билан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Мажнунтол, 8, яшовчиларини кўчириш масаласи бўйича штаб тузилган.

Бундан ташқари яшовчилар билан иш олиб бориш ва компенсация миқдорини аниқлаш бўйича комиссия тузилган. Комиссия таркибига нодавлат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ва коммуникацияларни кўчириш бўйича техник комиссия киритилган.

Комиссия аъзоси “Интер-

билим” ЎРМ раҳбари Гулғақи Мамасалиеванинг хабар беришича, ҳуқуқ муҳофазачилари компенсацияларнинг ҳаққоний тарзда тақсимланиши ва аҳолини кўчиришнинг тартиби ҳақида маълумот бериб боради.

“Бугунки кунда фуқаролар ҳуқуқларининг бузилгани кузатилмапти, ҳар бир уй эгалари билан алоҳида яқка тартибда тушунтириш суҳбатлари олиб борилмоқда. Ўш мэрияси тарафидан бир ҳонадонда 2-3 оила яшашига қарамай ҳар бир оила аъзоларига Ўш шаҳри теварагидан 5 сотихдан ер берилади. Компенсациялар икки турда берилади, турар жой ўрнига нақд пул ёки ер берилади ва уй қуриш учун пул ажратилади”, - деди у.

Унинг кўшимча қилишича, фуқаролар ўз хоҳиши билан тайёр уйлар сотиб олиши мумкин ёки берилган участкада янгисини қуриш имкониятига эга бўлади. ■



Айни пайтда Хитойнинг ғарбий чегарасига яқин Тяньшан тоғида жойлашган “Қумтор” олтин конидаги қазилар ишлари атроф-муҳитга зарар етказаяётгани, ноёб ўсимликлар қирилиб кетишига етаклаётгани ҳамда мамлакатдаги асосий дарёларни ифлослантириш, музликларга зиён етказишга хизмат қиляётгани борасида ҳисобот эълон қилинган.

Бунинг ортидан эса, “Қумтор”ни бошқараётган Канада

Ширкат кон бошқарувини 1997 йил қўлга киритган ва ўшандан бери у ерда олиб борилаётган амалиётлар атроф-муҳитни ҳимоя қилувчи турли халқаро мутахассислар томонидан маъқулланганини таъкидлайди.

Ширкатга кўра, улар ҳар доим Қирғизистон қонунлари ва халқаро андазаларга мос фаолият олиб боришган ҳамда иш жойида ҳаммаша ишчилар хавфсизлиги ва саломатлиги ҳимояси таъминлаб келинган.

• Фаргона.ньюс

Қирғизистоннинг Ўш вилояти Қорасув райони суди 2012 йил 18 июнь куни ака-ука Собировларни ҳибсга олишга санкция берди. Оға-иниларнинг бири энди 16 ёшга кирган. Икки кун олдин улар ўз оёқлари билан район ички ишлар бўлимига гувоҳлик кўрсатмалари бериш учун келгандилар, кутилмаганда ака-ука ҳибсга олинди. Ишни олиб бораётган терговчи ака-укани зудлик билан қамоққа олишни афзал кўрди, кўринишидан бунга жиддий сабаби бўлса керак. “Фаргона” кўлидаги маълумотга кўра, Россия фуқаролари бўлиши икки ёш йигитнинг ҳибсга олинишига асосий сабаб - уларнинг миллати ўзбек бўлганида.

Энди бўлиб ўтган воқеани бир бошдан ҳикоя қилиб берамиз. Йигирмага кирган Иброҳимжон ва 16 ёшли Абдулатип Собировлар 2010 йил оммавий тартибсизликларда иштирок этишда айбланаяптилар. Ҳолбуки, улар фожиа содир бўлган кунларда Ўзбекистонда бўлганми, кейин бўлса Россияда кетганми, дея таъкидлаяптилар. Россия фуқаролигини олган ака-укалар уч ой олдин уйларига қайтгандилар.

ҚАЙТМАГАН ЯХШИМИ?

Қонли фождан кейин ой ёки йиллар ўтиб Ўшга қайтаётган кўпчилик ўзбеклар ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан таъқиб этилаётгани ҳақида кўпчилик кузатувчиларимиз маълум қилиб келади. Маҳаллий милиция амалда мамлакат жанубида ҳукм сураётган миллатчилик кайфиятига асир бўлган ҳолатда иш юритмоқда. Ички ишлар органлари қонли қирғиннинг чинакам айбдорларини жавобгарликка тортишдан ожиз, шунинг учун ҳам айбни осонгина ўзбекларга ағдаришга уриниб келаяпти.

“Миллий хавфсизлик давлат кўмитаси ҳисоботи” дея аталувчи ўта нуфузли давлат ҳужжатидаги маълумотларга кўра, Ўшдаги қонли қирғин амалга оширилган

кунлардан шу чоққача жиноий жавобгарликка тортилганларнинг учдан икки қисмини айнан ўзбеклар ташкил этади. Ҳуқуқ ҳимоячиларнинг фикри бунданда узил-кесил: уларга кўра, ўзбекларни ўлдиргани учун маҳкум этилган қирғизларнинг сони битта-иккита, холос. Боз устига, кейинчалик уларга чиқарилган ҳукмлар юқори инстанция судлари томонидан бекор қилинмоқда.

Amnesty International Халқаро ҳуқуқ ҳимоя ташкилотининг яқинда чоп этилган “Қирғизистон: Амалга ошмаган бурчлар” ҳисоботида шундай деб ёзган: “2012 йил май ойида Жалолобод вилоят суди июнь ойида оммавий тартибсизликлар чоғида икки ўзбекни ўлдирган тўрт қирғизга нисбатан чиқарилган ҳукми бекор қилди. 2010 йил ноябрда уларнинг иккитаси 25 ва 20 йилга озодликдан маҳрум этилгандилар. Уларнинг иккиси ҳам тергов давомида қийноққа солинган ҳақида даъво қилиб келган. Қолган иккиси уч йилга шартли қамоқ жазосига ҳукм қилинганди. Апелляция суди биринчи инстанция суди қарорини бекор қилиб, ишни қўшимча терговга қайтариб юборди ҳамда айбланувчиларни қамоқдан чиқариб, уй қамоғига ҳукм қилди. 2012 йил май ойида айбланувчилардан учтаси оқланди, биринчи инстанция суди томонидан 25 йилга озодликдан маҳрум этилгани эса шартли жазога тортилди. Бу июнь ойида содир бўлган оммавий тартибсизликлар давомида ўзбекларни ўлдиргани учун қирғизларга чиқарилган ҳамда маълум бўлган ҳукмларнинг биринчиси ва яғнаси дир”.

Судларнинг миллат аломати бўйича нақадар “адолатли” ҳукм чиқараётганига Россия фуқароси, миллати ўзбек бўлган Усмонжон Холмирзаевнинг ўлдирилиши тўғрисидаги жиноят иши ёрқин далил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Холмирзаев-

ни қийноққа солгани тахмин қилинаётган ҳамда айни пайтда Қирғизистон Жиноят кодексининг жуда оғир саналган моддалари (“жабрланувчининг ўлимига олиб келган оғир тан жароҳатларини қасддан етказиш”, “ўз манфаати йўлида мансабини суистеъмол қилиш”, “жиноятни яшириш”) бўйича айбланаётган тўрт нафар милиция ходимлари яқинда судгача озодликка чиқарилдилар.

Милиционерлар учун адолатли жазодан яшириниш учун барча қулай шароитлар яратиб берилгандек бўлди. Бордию, сиз оддий фуқаро бўлсангиз, боз устига, миллатингиз ўзбек (ёки бошқа миллий озчиликка мансуб) бўлса, сизни кичкина баҳона билан катта жавобгарликка тортишлари мумкин ва судгача сиз албатта тергов изоляторидан ўтирасиз.

ОҒИР ИШ БҮЙИЧА ЕНГИЛ АЙБЛОВ

“Фаргона” агентлигига етиб келган маълумотга кўра, куни-кеча ҳибсга олинган ака-ука Собировлар Ўш вилояти болалар касалхонаси паталоганатомия бўлимининг мудир, миллати қирғиз, вояга етмаган беш боланинг отаси Қасим Жусупақматовни ўлдирганда айбланаяптилар.

Ушбу айбловнинг қўйилиши талай саволларнинг туғилишига сабаб бўлди. Гап шундаки, Жусупақматовни ўлдирган иши бўйича ЭЛТР телевидениеси оператори, ўшлик Ўктамжон Сулайманов умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 2010 йил 2 декабрь куни Ўш шаҳар суди томонидан чиқарилган ҳукм Ўш вилояти суди ва Қирғиз Республикаси Олий суди томонидан ўз кучида қолдирилган.

Тергов фаразига кўра, Қасим Жусупақматов 2010 йил 16 июнь куни ўғирланган ва ўлдирилган. Унинг жасадини



кейинроқ Ўзбекистон ҳудудидаги суғориш каналидан топилган. Айбланувчи Сулаймановнинг адвокати ва қариндошларига кўра, Жусупақматов мединститут талабалари билан бирга маст ҳолда вилоят болалар касалхонаси ёнида яшайдиган ўзбекларнинг уйлари эшигини тақиллатиб, ўзбекларга қарата ҳақоратомуз ва миллатчилик кайфиятдаги сўзларни қичқириб юрган. Жусупақматовнинг ҳаракатидан ўзбеклар ваҳимага тушиб кетишган, аҳоли навбатдаги қирғин бошланди деб ўйлаган. Ўша пайтда Сулайманов уйдан чиқиб ов милтиғидан Жусупақматов томонга ўқ узган.

Айни пайтда Жусупақматовга қаҳра-

• Озодлик радиоси

2012 йилнинг 25 июнида Татаристон Республикаси Олий суди 2010 йил Ўш воқеаларга алоқадорликда гумонланаётган 24 ёшли қирғизистонлик Мамир Нематовни экстрадиция қилиш бўйича Россия Бош прокуратураси чиқарган қарорни қонуний деб топди. Нематов ҳимоясини таъминлаётган Инсон ҳуқуқлари институти ходимлари Қирғизистонда у қийноқларга солиниши мумкинлигидан хавотир билдирмоқда.

ТАТАРИСТОН ОЛИЙ СУДИ: “ШИКОЯТГА ЎРИН ЙЎҚ!”

Татаристон Олий суди Россияда қочқинлик мақомини сўраётган 24 ёшли ўшлик Мамир Нематовни Қирғизистон сўровига кўра, экстрадиция қилиниш тўғрисидаги қарор қонуний эканлигини тасдиқлагани ҳақида уни ҳимоя қилаётган ҳуқуқ фаоллари маълум қилди.

Бу хабарни Озодликка Татаристон Олий суди раиси ёрдамчиси Наталья Лосева тасдиқлади.

Татаристон ўшлик ўзбекни эк

- Россия Бош прокуратураси бу шахсни Қирғизистонга бериб юбориш тўғрисида қарор чиқарган эди. Ҳимоя прокуратуранинг бу қарори устидан судга шикоят аризаси билан мурожаат қилди. Суд бу шикоятнинг қаноатлантирилишини рад этди. Кўпол қилиб айтадиган бўлсак, Нематовни экстрадиция кутмоқда, дея маълум қилди Татаристон Олий суди расмийси Наталья Лосева.

Суд расмийси Мамир Нематов Қирғизистон ҳукумати томонидан 2010 йилнинг июнида мамлакат жанубида бўлиб ўтган оммавий тартибсизликлар ва қотилликларга алоқадорликда айбланиб, халқаро қидирувга берилганини маълум қилди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ИНСТИТУТИ: “СУД НОҚОНУНИЙ ҚАРОР ЧИҚАРДИ!”

Мамир Нематовнинг ҳимоясини таъминлаётган Москвадаги Инсон ҳуқуқлари институти Россия Бош прокуратураси-

нинг қарори суд томонидан тасдиқланиши мутлақо ноқонуний эканлигини айтмоқда.

Татаристон Олий суди Нематов Россия ҳудудида қочқинлик мақомини сўровчи экани ва халқаро қоидаларга кўра, унинг мақоми аниқлангунга қадар бериб юборилиши мумкин эмаслигини инкор этган ҳолда бу ҳукмга имзо чеки, дейди Озодлик билан суҳбатда, Мамир Нематовни ҳимоя қилаётган ташкилот қошидаги “Қочқинлик ҳақлари” дастури раҳбари Елена Рябинина.

- Суд Бош прокуратуранинг қарорини йўққа чиқарадиган иккита муҳим вазиятнинг инкор этди. Биринчиси, Нематовнинг экстрадициясига оид қарор қочқинлик мақомини олиш жараёни давомида амалга оширилмоқда. Иккинчиси, Татаристон Олий суди икки ҳафтадан кам муҳлат ичида прокуратуранинг қарорини тасдиқлагани. Шу тариқа, Қозон суди бирваракайига Россиянинг “Қочқинлар тўғрисида” Федерал қонуни ва БМТнинг 1951 йилги

“Қочқинлар мақоми тўғрисида”ги Конвенцияларни инкор этди, дейди марказий-осиёлик қочқинлар ҳимояси билан шуғулланадиган ҳуқуқ фаоли Елена Рябинина.

Ҳуқуқ ҳимоячиси Олий суд Нематов Қирғизистонда қийноқларга солиниши мумкинлигини ҳам инобатга олганини қўшимча қилди.

Рябининанинг сўзларига кўра, жорий йилнинг апрел ойи охирига қадар Россия этник қирғиндан қочиб бу давлатга бошпана излаб келган ва ҳукумат томонидан июн фожеасига алоқадорликда гумонланаётган қирғизистонлик ўзбекларни бирор марта экстрадиция қилмаган.

- Россия Федерал миграция хизмати Қирғизистондаги миллатлараро вазиятнинг мураккаблиги ҳамда маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идораларининг бир ёқлама чиқараётган қарорларини ҳисобга олиб бундай аризаларни қондириб келаётган эди. Бироқ Мамир Нематовга келиб вазият кескин ўзгарди, дейди Елена Рябинина.

ҲИМОЯ УЧУНМИ?

ни таъқиблардан асрай олмаяпти



мон сифатида ҳайкал ўрнатилган, аммо унинг ўлими тафсилоти ҳануз ноаниқ қоляпти. Тергов болалар касалхонаси врачлари ишдан қайтаётган пайтда номаълум кишилар томонидан ўғирланганини аниқлаган. Бироқ республика соғлиқни сақлаш вазири Қасимбек Мамбетовнинг билдиришича, Қасим Жусупакматов медицина ёрдами кўрсатиш учун ўз ихтиёри билан ўзбеклар маҳалласига борган.

Республика Бош прокурори Аида Салаянова жорий йилнинг апрель ойида Қирғизистон парламенти депутатлари олдида сўзга чиқа туриб, “июнь воқеалари” бўйича қирқтача жиноят иши юзлаб гумонланувчиларнинг яширинган жойи

номаълум қолаётгани, уч мингта иш эса гумонланувчиларнинг умуман йўқлиги боис тўхтатиб қўйилганини маълум қилди. “Гумонланувчилар” бирданига пайдо бўлаётган ишлар нима қилинапти? Айни пайтда мамлакат жанубида судлари ўтаётган ишлар билан нима қилиш керак?... “Фарғона” мухбири “Салаянованинг бу сўзларини қандай тушуниш керак?” дея аниқлик киритмоқчи бўлди, аммо Қирғизистон бош прокуратураси матбуот хизматининг ходими Жирғал Қурманбеков журналистларнинг сўровларига жавоб беришга “вақт топа олмаяпман”, дея баҳона қилди.

Ўлик болаларнинг жасадини ёрувчи врачлари ўлдиришда айбланган Сулаймановнинг онаси ўзининг мамлакат президенти, бош вазири ва бошқа расмий мулозимлар ва ташкилотларга ёзган очик мактубида шундай деган: “Барча оммавий ахборот воситалари бу ишга керакли тус бериш ва жамоатчилик диққатини тортиш мақсадида ўзбеклар врачлари касалхонадан ўғирладилар ва ўлдирдилар дея гапирдилар. Бу гапни шу касалхонанинг раҳбарлари ҳам ўз аризаларида гўё “врачлари иш жойидан ўғирлаб кетдилар” деб ёздилар. Ҳолбуки, улар судда унинг ўзи ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмай ўзбекларнинг олдига кетганини тасдиқладилар. Ҳеч ким ҳақиқатни, аслида нима-лар содир бўлганини билишни истамади. Ҳўш, врачлари ўғирладиларми ёки унинг ўзи ўзбеклар олдига ғаразли ниёт билан келдимиз? У чиндан ҳам оқ халат кийган врачми ёки ишонмасидан оддий одамлар кийимида чиққан ҳамда ўз яқинлари учун ўч олишни ниёт қилган маст босқинчи? На тергов давомида ва на суд мажлисида Жусупакматовнинг ўғирлангани, унинг оқ халатда бўлгани исботланмади. Ўғлимни одам ўғирлашдан оқладилар,

жабрланган киши оқ халат киймаганини аниқладилар. Аммо ўғлимни қайтармай умрбод қамоққа ҳукм қилдилар. Бу каби ишлар жабранувчиларнинг яқинлари ва қариндошлари ҳаддидан ошиб кетаётганларини кўрсатмаяптими? Қанчадан-қанча яқинларим ва танишларимни ўз уйларида тириклайин ёқиб юбордилар, ўз уйлари ёнида БТРлардан отиб ўлдирдилар... Ҳеч ким шу чоққача бу ишларни ким қилганини топгани йўқ. Айтингчи, адолат қаерда? Кимни деб мотам тутай, уларни дебми ёки ўғлимни? Мен онаман, ўғлимни қанча яхши кўрмай, унинг ҳаракатларини, яъни милтиқдан ўқ узганини қоралайман. Аммо мен она сифатида у ҳеч кимни ўлдиришни истамаганини, бу ишни фақат ҳаётига, оиласига, мулкига таҳдид қилаётган одамларнинг ҳаракатларини тўхтатиш учун қилганини тушунаман. Чунки бундан аввал бўлиб ўтган фожиали воқеалар бу ишларга шохид эди...”

АДОЛАТ ТАНТАНА ҚОЗОНАДИМИ?

“Фарғона” экспертларига кўра, айни пайтда Қирғизистонда шундай вазият юзага келганки, ҳуқуқ-тартибот тузилмаларининг назарига тушиб қолган республиканинг ҳар қандай фуқароси “гумонланувчи”га айланиб қолиши мумкин

“Икки йил ичида бу соҳада ҳеч нарса ўзгаргани йўқ, - дейди исми ошкор бўлишни истамаган ўшлик жамоатчилик фаоли. - Роза Ўтунбаева (Қирғизистоннинг собиқ президенти) ўз вақтида маҳаллий ҳуқуқ-тартибот ходимларининг пўстагини қоқиб қўйиш учун Ўшга икки марта келиб кетган. Милицтонерлар Ўш аэропортида Москвага кетаётган ўзбекларнинг охириги пулларини олиб қўяётганини таъна қилган. Аммо шунга қарамай,

милиция ходимларининг зўравонлиги давом этиб келаяпти. Энди қайтаётган ўзбекларни ҳам тўнаш бошланди, улардан жуда катта пора талаб қилаяптилар, июнь урушида қатнашгани учун жиноий жавобгарликка тортиш билан таҳдид қилаяптилар...”

“Фарғона” агентлигига келиб тушаётган маълумотларга кўра, тергов органлари барча “қайтувчи”ларни назорат остига олиб, уларни қамаяпти ва натижада жиноятларни фош этиш бўйича “режалар”ни бажараяпти ёки уларга оғир айблов қўйиш билан таҳдид қилиб, беҳаёларча пулларини олиб қўйишаяпти.

Яна бир бор шуни қайд этиб ўтмоқчиман: ака-ука Собировлар Қирғизистонга ўз ихтиёрлари билан қайтиб, милицияга суҳбатлашгани хотиржам келишган. Бугун оғир жиноятларга алоқадорлиги аниқ бўлмаган бу икки ёш йигитни Қирғизистондаги энг ёмон тергов изолятори бўлган Қорасув район ИИБ қамоқхонасида (ИВС) сақлашаяпти.

Уларни қанча вақт давомида ҳибс этишлари номаълум. Фақат бир нарса очиқ-ойдин – СИЗОда ўтиришнинг ўзи қийноққа тенг ва юқорида зикр этилган айбланувчи милиционерлар бундай қийноқлардан озод этилган.

Умуман олганда, гап миллий озчиликнинг ҳуқуқини поймол этишда эмас, балки қонун ижроси ва адолат ҳақида. Ишонаверинг, мен ўзбекларни улар фақат ўзбек бўлганлари учун ҳимоя қилмоқчи эмасман. Агар уларни ўзбеклиги учун қийноққа солишмаса ёки қамашмаса, албатта.

Собировлар ишининг ривожини ҳозирги қирғиз адолатли судлови учун бамисоли “лакмус қоғози”га менгаздай, шунинг учун ҳам биз бу иш бўйича терговнинг бориши ортидан кузатамиз ва ўқувчиларимизга сўзлаб борамиз.

“Фарғона” ахборот агентлиги, шунингдек, Россиянинг Бишкекдаги элчихонасига ва Россия Федерациясининг Ўшдаги Бош консулхонасига мурожаат қилиб, Россия фуқаролари бўлган ака-ука Собировларнинг тақдирини эътибор қаратишни ҳамда уларга зарур бўлган консуллик ва ҳуқуқий ёрдамни кўрсатишни сўраб қолади. ■

ЭКСТРАДИЦИЯ ҚИЛМОҚЧИ

Қирғизистон терговчилари иддаосига кўра, Мамир Нематов 2010 йилнинг 11 июнида бир гуруҳ шериклари билан бирга қирғиз миллатига мансуб шахснинг уйига бостириб кирган ва бир неча кишини ўлдирган. Ваҳоланки, тақдим этилган ҳужжатлардан бирида ўлдирилгани айтилаётган аёл воқеа эртасига ҳам эри билан телефон орқали суҳбатлашгани қайд этилган.

Мамир Нематовнинг ўзи эса 12 июн куни Ўзбекистонга, 11 августда Россияга чиқиб кетган.

2012 йилнинг 4 майида Россия Бош прокуратураси Қирғизистоннинг Нематовни бериб юбориш тўғрисидаги сўровини қондириш тўғрисида қарор чиқарди.

Инсон ҳуқуқлари институти мутахассислари 24 ёшли бу йигитнинг бериб юборилаётганини Россия ва Қирғизистон ўртасида ўшлик қочқинларга оид сиёсий келишув борлиги билан боғламоқда. Шунингдек, ҳуқуқ фаоллари экстрадиция хавфи остида қолаётган Мамир Нематов-

нинг қидирувга берилганини унинг “Ўш-ТВ”да телеоператор бўлиб ишлагани билан боғлиқ бўлиши мумкинлигига жамоатчилик эътиборини қаратмоқда.

ДАНИИЛ КИСЛОВ: “ЎШДА НОҲАҚЛИКЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА”

“Фарғона.ру” ахборот агентлиги Даниил Кислов Мамир Нематовнинг экстрадицияси қирғиз ва рус сиёсатчиларининг ўзаро келишуви эканига ишонмаслигини айтади.

- Менимча, бундай вазият яна такрорланади, лекин бу жараёнда тенденция борлигига ёки Атамбаевнинг сўровига биноан оммавий равишда қидирувдаги қочқинларни бериб юбориш бошланишига ишонмайман. Шунчаки, ўзбек, тожикларни бериб юбориш Россия судлари ва прокуратураларига

ишини анча осонлаштиради, ортиқча “даҳмазадан” қутулади холос, дейди Даниил Кислов.

Айни пайтда, у қирғизистонлик ўзбеклар устидан Қирғизистонда очилаётган жиноий ишларнинг барчаси сохталаштирилганига шубҳа қилмаслигини таъкидлади.

Кислов Мамир Нематов бериб юбориладиган бўлса, сўзсиз қийноқларга дучор бўлиши ва ноҳақ судланиши хавфи ости-

да қолишидан хавотир билдирди. Журналист жорий йилнинг 16 июнида Ўшнинг Қорасу туманида ҳибсга олинган 20 ёшли Иброҳимжон ва 16 ёшли Абдулатиф Собировларнинг врач Қосим Жусупакматов қотиллигига алоқадорликда асоссиз айбланиб, қамоққа олинганини мисол қилиб келтирди.

- Россия фуқаролигини олган ака-ука Собировлар 2010 йилнинг июнида Ўзбекистонда бўлганликлари суд томонидан мутлақо инобатга олинмади. Бундай мисоллар жуда кўп, лекин ҳибсга олинаётганларнинг яқинлари босим остида бу фактларнинг очиқланишига қарши чиқмоқда. Қирғизистонда эса тергов баҳонасида қирғизистонлик ўзбеклардан шунчаки пул ундириш давом этмоқда, дейди журналист Даниил Кислов.

Маълум бўлишича, 2010 йилнинг 2 декабрида Жусупакматов қотиллигида айбланиб Ўш шаҳри фуқароси, ЭЛТР телевидениесининг яна бир оператори Ўқтамжон Сулаймонов аллақачон умрбод қамоқ жазосига маҳкум қилинган. ■



Ўзбекистон Қирғизистондаги қурилишлардан норози

• Озодлик радиоси

Ўзбекистон парламенти қуйи палатаси раис ўринбосари Қирғизистонни Қамбарота ГЭСи қурилишидан бош тортишга чақирган бир пайтда, қирғиз расмийси Тошкент йўл қурилишидан ҳам норози эканини иддао қилди.

Қирғиз расмийларига кўра, Тошкент Қирғизистон Сўх анклавини айланиб ўтувчи Пулгон-Бурганди-Боткен йўлини қураётганига норозилик билдирди.

Жениш РАЗЗАКОВ:
ЎЗБЕКИСТОН
НОРОЗИЛИК
НОТАСИ ЖўНАТДИ

Қирғизистоннинг Боткен вилояти губернатори Жениш Раззаковнинг айтишча, расмий Тошкент йўл қурилиши тўхтатилишини талаб қилиб Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлигига норозилик нотаси жўнатган. Губернатор бу борада вазирликдаги ўз манбаларидан хабар топганини маълум қилди.

Шахсан менинг ўзимга расмий мактуб келгани йўқ. Бироқ менинг манбаларим Ўзбекистон ҳукумати Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлигига норозилик нотаси жўнатгани ҳақида маълумот беришди. Нотада Пулгон-Бурганди-Боткен йўли нотўғри қурилаётгани, йўл Ўзбекистон ҳудудидан ўтаётгани айтилиб, қурилишни тўхтатиш талаб этилган, - деди Боткен вилоят губернатори Жениш Раззаков.

Бироқ Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистондан бу борада нота олинганини тасдиқлагани йўқ.

Айрим маълумотларда айтилишича, йўл қурилаётган ҳудудда чегара чизиги ҳали аниқланмаган ва бу ер баҳсли ҳудуд ҳисобланади. Бундан ташқари йўл қурилаётган ҳудудда Ўзбекистоннинг газ сақлагичлари ҳам мавжуд.

Қирғизистон расмийлари эса бу иддаолар асоссиз эканини, йўл чегара ҳудудидан 15-20 километр олислиқда қурилаётганини билдирмоқда.

Пулгон-Бурганди-Боткен йўли 105 километр масофага чўзилган. Қурилишнинг 65 фоизи шу кунларда яқунланган. Мазкур йўл қурилиши яқунланса Қирғизистоннинг жанубий вилоятларида яшовчи аҳоли Ўзбекистондан бўлган йўл қарамлигидан қутилади.



Борий АЛИХОНОВ:
ҚАМБАРОТА ГЭСИ ХАВФЛИ
ХУДУДДА ЖОЙЛАШГАН

Ўзбекистон Олий Мажлисининг қуйи палатаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Борий Алихонов Бишкекни Қамбарота ГЭСлари қурилишидан бош тортишга чақирди. Бу ҳақда 12.uz ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Борий Алихоновга кўра, Қамбарота ГЭСларининг қурилаётган каскадлари сейсмик жиҳатдан хавфли бўлган ҳудудда жойлашган. Бу ерда 9-10 балл zilзилалар юз бериш эҳтимоли мавжуд.

"Тўқтўғул ГЭСи ва 19,5 миллиард куб метр сув сақлаш мумкин бўлган сув омбори ўта хавфли объект ҳисобланади. Чунки сув тўғонининг ўпирилиши оқиб-

тида 50 минг квадрат метр майдон, жумладан, Фарғона водийсининг шимолий ва шимоли-шарқий қисми сув остида қолиши, миллионлаб одамлар ҳалок бўлиши мумкин. Қамбарота ГЭСи эса бу ҳалокат хавфни кучайтирувчи объект бўлади", деб билдирган Борий Алихонов.

Унга кўра, Қирғизистон халқаро меъёрларга мувофиқ бошқа давлатларга таҳдид солиши мумкин бўлган лойиҳаларни амалга оширишдан олдин қўшнилари билан маслаҳтлашуви зарур.

Борий Алихонов Ўзбекистон Экологик ҳаракати офат хавфини пайдо қилувчи бу каби объектларнинг қурилишига қарши эканини таъкидлаб ўтган.

ҚАМБАРОТА ГЭСЛАРИ
ҚИРҒИЗ ИҚТИСОДИ-
НИНГ КЕЛАЖАГИ

2010 йилда Ўзбекистон ҳукумати Қамбарота - 1 ГЭСи қурилишини халқаро экспертизадан ўтказишни талаб қилган эди.

Бироқ қирғиз расмийлари Қамбарота -1 ГЭСининг қурилиши минтақанинг барча мамлакатларига фойда-

ли бўлишини, бу билан Ўзбекистон ва Қозоғистон сув ҳамда электр энергияси етишмовчилигидан қутилишини айтиб келади.

Қамбарота -2 ГЭСи 2010 йилда расман ишга туширилган. Қамбарота -1 ГЭСи қурилишини молиялаштириш юзасидан расмий Бишкек ва Кремл ўртасидаги музокаралар давом этмоқда.

Москва 2009 йилда Қамбарота -1 ГЭСи қурилиши учун бир ярим миллиард доллардан кўпроқ сармоя ётқизишдан манфаатдор эканини билдирган эди.

Қамбарота-1 ГЭСи қурилса Тўқтўғул ГЭСи ва сув омборига эга бўлган Қирғизистон Марказий Осиёдаги сув захираларининг асосий қисмини назорат қилиш ҳамда электр энергиясини ўнлаб давлатларга экспорт қилиш имкониятига эга бўлади. ■

Ўзбекистон КХШТдан чиқади

Ўзбекистон яна Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилотидан чиқиб кетмоқда

• БиБиСи радиоси

Россиянинг РИА Новости ахборот агентлиги хабарига кўра, Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилотининг (КХШТ) котибияти Ўзбекистон ташкилотдан чиқиб кетиши ҳақида нота йўллаганини тасдиқлаган.

Ташкилот матбуот котиби Владимир Зайнетдинов Тошкентнинг бундай қарорни олишига нима сабаб бўлганини изоҳламаган.

"Ҳозирда Ташкилотнинг экспертлари котибиятга келган ҳужжатларни баҳолашмоқда... Бу борада КХШТ раҳбарининг ҳисоботи тайёрланмоқда", - деб айтган Владимир Зайнетдинов.

Москвадаги дипломатик манбанинг РИА Новостига айтишича, Ўзбекистон КХШТ котибиятига КХШТ аъзолигини тўхтатиш борасида нота йўллаган.

Ўзбекистон МДХ хавфсизлигини таъминлашни назарда тутган ушбу ташкилотдан 1999 йилда чиқиб кетган ва 2006 йил августида яна қайта аъзо бўлиб кирган эди.

Кузатувчиларга кўра, Ўзбекистонни КХШТга қайта аъзо бўлиб кириш қарорига 2005 йил баҳорида Андижонда юз берган қонли воқеалар ортидан расмий Тошкент ва ғарб давлатлари алоқаларининг совуқлашуви сабаб бўлган эди.

КХШТни барпо этиш ҳақидаги битим 1992 йилнинг май ойида Тошкентда имзоланган эди.

Унга собиқ Совет Иттифоқининг тўққиз республикаси аъзо бўлиб кирган эди.

Ҳозирда ушбу ташкилотга Арманистон, Белорус, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон аъзо бўлиб қолишмоқда. ■

Эндиям Қозоғистоннинг мадҳиясини мазах қилиб кўринг-чи?

• БиБиСи радиоси

Қозоғистон байроғи мадҳияси дохил ўз давлат рамзларига ҳурматсизлик қилганларга қарши жавобгарликни кучайтирган.

Мамлакат Олий парламенти ўтган ҳафта бу хусусдаги мавжуд қонунчиликка тузатишлар киритган.

Қозоғистон нашрлари тарқатган хабарларга кўра, кимки шундай иш тутса, унга бир йилгача қамоқ жазоси тайин этилган ва жарима миқдори тўрт барбарага оширилган.

Сўнгги янгилик Қозоғистон давлат мадҳияси билан боғлиқ қатор хижолатли воқеалар ортидан кузатилмоқда.

Шу йил март ойида Қувайтда бўлиб ўтган ўқ узиш мусобақасида ғолиба ша-

рафига Қозоғистон мадҳиясининг ўрнига "Борат" фильмидаги ҳажв қилинган нусхаси ўйналган.

Ундан сал аввалроқ эса, Қозоғистоннинг ўзида, чангичилар фестивалининг очилиш маросими чоғида давлат мадҳияси ўрнига пуэрто-рикалик машҳур поп юлдузи Рики Мартиннинг "Livin' la Vida Loca" кўшиғи янграган эди.

Ўтган йил Францияда бўлиб ўтган спорт тадбирида ҳам янги мадҳиясининг ўрнига эскиси янграб, Қозоғистон ва спортчиларини хижолатга қўйган эди.

Буларнинг барчаси ўзининг ташқи имаж масаласида ниҳоятда қаттиқ қайғурувчи Қозоғистонга хуш ёқмагани тайин.

Устига устак, яқинда Атирау шаҳри-



да фаррошларнинг ахлатни ташиш учун давлат байроғи матосидан фойдаланганликларига оид хабар ҳам Қозоғистонда катта шов-шувга сабаб бўлган эди.

"Давлат рамзлари тўғрисидаги" қонун-

га киритилган ўзгартиришларда кўзда тутилган жазо эса, анчагина қаттиқ.

Яъни бир йилгача қамаласиз ёки 3 миллион 236 минг танга (21.000 АҚШ доллари) миқдорида жарима тўлайсиз.

Айрим хабарларга кўра, шу йил июл ойида бўлиб ўтажак Лондон Ёзги Олимпиада ўйинлари чоғида бу каби хоҳолатпазликнинг олдини олиш учун спор тмулозимларига қатъий топшириқлар берилган.

Спортчилардан эса, мадҳия сўзларини ёд олишлари сўралган.

Давлатлари мадҳиясига нисбатан бу каби муносабат оддий қозоғистонликларни ҳам бефарқ қолдирмаган ва улар ўз ҳукуматларини бўшанглиқда танқид қилиб келишаётган эди. ■

Ўш шаҳри яшовчиси Ҳажга бориш учун рўйхатга киритиш учун 25 кишининг қалбаки паспортларини олиб келган, - ҲУМ комиссияси аъзоси

• CA-NEWS

Ўшнинг 25 нафар яшовчиси учун қалбаки паспорт тайёрлаб, 2012-йил ҳаж сафарига бориш учун рўйхатдан ўтишга уринилган. Бу ҳақда Ҳаж ва

Қалбаки ҳужжатлар билан ҳаж сафарига

Умра маркази комиссияси аъзоси, Ўрта Осиё ва ҚР мусулмонлари Конгресси бошлиғи Бақит Нурдинов 19 июнь куни АКIPress агентлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида маълум қилган.

Унинг сўзларига кўра, Ўш шаҳри яшовчиси М.Аҳмедов, ўзини "Ар-Намис" партиясининг аъзоси ва молия вазир Ақилбек Жапаровнинг маслаҳатчи-

си деб таништириб, 30-май куни ҳажга бориш учун рўйхатдан ўтказиш учун 25 одамнинг қалбаки паспортларини олиб келган.

Унинг таъкидлашича, ушбу паспортлар бир кунда тайёрланган, сабаби уларнинг рўйхат рақамлари бирин-кетин эканлиги мана шундан далолат беради. Бундан ташқари, фирибгарлар рўйхат-

га олинган манзилларини ҳам қалбакилаштиришган. Б.Нурдиновнинг сўзларига кўра, бу факт текширилган.

"Биз кўрсатилган манзилларга борганимизда, улардан ҳеч бири тасдиқланмади", - дейди у.

Ушбу факт юзасидан Ҳаж ва Умра маркази ДМХК ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат этган. ■

Зимбабве депутатлари ВИЧни бартараф этиш учун суннат қилинмоқда

• БиБиСи радиоси

Зимбабведа ВИЧ ва ОИТС борасидаги билимни оширишга қаратилган кампания доирасида парламентнинг бир қатор эркак депутатлари суннат қилинмоқда.

Бир миллиондан ошиқ инсон ВИЧ юқтиргани ишонилган Зимбабведа илк марта "Зимбабве депутатлари ВИЧ ва ОИТСга қарши" гуруҳи аъзолари шундай чорага қўл урмоқдалар. БМТ олиб борган тадқиқот суннат эркакларда ВИЧ юқтириш хавфини 60 фоизга кесишини аниқлаган.

Депутатларнинг кампаниясига маҳаллий санъаткорлар, оркестр ва маҳаллий мактаб ўқувчилари дастак билдириб, ранг-баранг томоша билан уларга ҳамроҳлик қилганлар.

Бугунга қадар ўнлаб парламент аъзолари мазкур кампанияда иштирок этиш истагини билдириб аризага имзо чекканлар.

Парламент биносида 10 дақиқалик суннат амалини бажариш учун махсус клиника таш-

кил қилинган.

"Зимбабве депутатлари ВИЧ ва ОИТСга қарши" гуруҳининг раиси Блессинг Чебундо биринчи бўлиб суннат қилинган.

Мазкур жараён келгуси ҳафтагача давом этиши айтилади. Африкада суннат орқали ВИЧ ва ОИТС хавфини камайтириш ҳаракатлари янгилик эмас.

У илк марта 2009 йилда эълон қилинганидан бери бир миллиондан ошиқ зимбабвелик эркаклар аллақачон тиббий амалиётни бошдан кечирганлар.

Аммо, жамиятда муҳим арбоблар саналган депутатлар ўзлари ўрнатган бўлиш орқали янада кўпроқ ватандошлари шундай йўл тутушига умид қилишмоқда.

Лекин, ҳамма депутатлар ҳам бу кампаниядан мамнун эмас. Бир парламент аъзоси Би-би-сига маданий сабаблар туфайли суннат кампаниясида қатнашмаслигини билдирди.

Ёш болаларни суннат қилиш – танга озор беришми?!

• БиБиСи радиоси

Олмония маҳкамаси диний урф-одатларга мувофиқ ёш болаларни суннат қилишни танга озор беришга тенг амал, деб топган.

Олмон маҳкамасининг ҳукми яҳудий ва мусулмон жамоалари орасида қаҳру-ғазабга сабаб

бундай қарор билан чиқишига шифокор томонидан суннат қилинган тўрт яшар гўдакнинг аҳволи ёмонлашиб қолгани сабаб бўлган.

Олмонияда йилига минглаб мусулмон ва яҳудий болалари суннат қилинади.

Мамлакатда хотин-қизларнинг суннат қилиниши ноқонуний саналса-да, ўғил болаларники қонунадан ман этилмаган.

Маҳкама ҳукмида, яна шунингдек, суннат қилиш "боланинг ёши улғайиб, қайси динга эътиқод қилиш истак-хоҳишига ҳам зид амал" экани айтилади.

'Диний эркинликни ҳимоя этинг'

Маҳкама ҳукми унга қатъиян амал қилинишини кўзда тутмайди ва аҳволи оғирлашиб қолган болакайни суннат қилган шифокор ҳам оқланган.

Бироқ, муҳбирларга кўра, бошқа олмон маҳкамалари

ҳам қарор берганидан ўрнатқалишлари мумкин.

Олмония Яҳудийлар Марказий Кенгаши президенти Дитер Громаннинг айтишича, "бу – диний жамоаларнинг ички ишларига мислсиз ва драматик бир тарзда аралашувдир".

Жаноб Громан мамлакат парламентини "диний эркинликни ҳужумлардан ҳимоя этиш учун" ушбу масалага қонуний жиҳатдан ойдинлик киритишини сўраган.

Яҳудийлик ва Исломда кўзда тутилган суннат амали қадимий диний урф-одатларга бориб тақалади.

Бошқа давлатлар, жумладан, Америка Қўшма Штатларида ҳам ота-оналарнинг тиббий сабаблар туфайли ўз болаларини суннат қилдиришлари кам учрайдиган воқеълик эмас.

Олмониядаги муҳбиримиз Стивен Эванснинг айтишича, бу масалада кейинги ҳуқуқий қадамнинг қандай бўлиши маълум эмас.

Аммо, муҳбиримизга кўра, ушбу муаммо – ахлоқий ва сиёсий жиҳатдан ниҳоятда қалтисларидан биридир.



бўлган.

Аммо, маҳкаманинг айтишича, боланинг жисмоний дахлсизлик ҳуқуқи диний ва ота-она ҳақларидан устунроқ туради.

Олмония маҳкамасининг

Саудиялик аёллар илк бор Олимпия ўйинларида иштирок этишади

• БиБиСи радиоси

Саудия Арабистони расмийлари мамлакат тарихида илк бор хотин-қиз спортчиларга миллий терма жамоа таркибига Олимпиада ўйинларида қатнашишларига рухсат берган.

Уларнинг қарори Лондон Ёзги Олимпиада ўйинларига санокли ҳафталар қолган бир пайтда янграмоқда.

Саудия Арабистонидаги кўплаб анъанадор мусулмонлар хотин-қизларнинг спорт беллашувларида иштирок этишларига бутунлай қаршиллар.

Аммо энди мамлакат масъулларининг айтишларича, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади. Уларнинг сўзларидан аён бўлишича, Лондон Олимпиада ўйинларига оз вақт қолгани учун ҳам, миллий терма жамоа сафида биттагина аёл спортчи бўлади.

Далма Рушдий Малхас от спорти бўйича мусобақаларда илк бор ўз кучини синаб кўради. Лекин, масъулларга кўра, қолган хотин-қиз спортчиларида ҳам Олимпиадада иштирок этиш имконияти

бор. Ва агар бу ҳуқуқни қўлга киритишса, "ўз ифбатларига путур етказмайдиган либосда" бўлишади.

Яъни, саудия арабистонилик хотин-қиз спортчилар кенг, баданларига ёпишиб турмайдиган махсус либос ва фақат сочларини ёпиб турувчи спорт ҳижобида бўладилар.

САҲНА ОРТИДА КУРАШ

Хотин-қиз спортчиларининг Олимпиада ўйинларида қатнашишларига рухсат бериш - Саудия Арабистони учун олдинга қўйилган муҳим бир қадам.

Чунки мамлакатдаги аксарият ҳануз хотин-қизларнинг жамият ҳаётида фаолроқ ўрин тутушларини ишташмайди.

Саудия Подшоҳи Абдулла эса, гоҳида жадаллик, гоҳида эса, секинлик билан мамлакатда ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишга уриниб келмоқда.

Бундан бор-йўғи икки ой бурун ҳам кўпчилик саудиялик масъуллар анъанадор диндорларнинг сўзларига учиб, хо-

тин-қизларнинг спорт беллашувларидаги иштирокларига қўйилган тақиқни бекор қилмайди, деган ишончда бўлишган.

Аммо сўнгги ҳафталарда подшоҳ Абдулла бошчилигида саҳна ортида қизгин муҳокамалар кечган ва шу ой ўрталарига



келиб, улар ижобий бир қарорга келишган.

Саудия Арабистони подшоҳи узоқ йиллардан бери жамият ҳаётида мамлакат хотин-қизларининг ролини кучайтиришга тарафдорлик қилиб келади.

Хабарлардан аён бўлишича, сўнгги қарор ҳам Жиддада ўтган маҳфий йиғин

чоғида подшоҳ, валиаҳд шаҳзода, ташқи ишлар вазири, диний жамоат раҳбари ва Бош муфтий томонидан келишиб, берилган.

Бу ҳақда ўша пайтнинг ўзида расман эълон қилиниши режаланган эса-да, валиаҳд шаҳзода Найефнинг кутилмаган ўлими уларнинг режаларини ортга суриб юборган.

Саудиялик масъулларга кўра, хотин-қизларининг Олимпиада ўйинларида иштирок этишларига қўйилган расмий тақиқ халқаро саҳнада чиройли кўринмаган.

Бу - Саудия подшоҳлик оиласининг анъанадор диндорларнинг хоҳишларига қарши бориб, илк бор хотин-қизларнинг ижтимоий роли ҳақида ижобий қарор бериши эмас.

Дейлик, 60-йилларда Саудия Арабистонида телевидениега рухсат бериб, сўнроқ ўлдирилган подшоҳ Файзал ҳам қизларнинг ўрта таълим олишлари тарафдори бўлган.

Унинг шарофати билан бугун Саудия Арабистонида мактаб битирувчилари орасида ўғил болалардан кўра, қизларнинг сони кўп экани айтилади. ■

ҚИРҒИЗ РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ

1-МОДДА

1. Қирғизистон Республикаси (Қирғизистон) - мустақил, унитар, демократия, ҳуқуқий, дунёвий, ижтимоий давлатдир.

2. Қирғизистон Республикасининг мустақиллиги чекланмайди ва унинг бутун ҳудудида жорий қилинади.

3. Қирғизистон халқи Қирғизистон Республикасидаги давлат ҳокимиятининг ягона манбаи ва мустақиллигининг эгасидир.

4. Қирғизистон халқи ўз ҳокимиятини бевосита сайловларда ва референдумларда, шунингдек, ушбу Конституциянинг ва Қирғизистон Республикаси қонунларининг асосида ҳамда давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг тизими орқали амалга оширади.

Қирғизистон халқи номидан фақат халқ сайлаган Президент ва Жогорку Кенеш сўзлашга ҳақлидир.

5. Қирғизистон Республикасининг қонунлари ва давлат аҳамиятига молик бўлган бошқа муҳим масалалар референдумга (умумхалқ овоз беришига) қўйилиши мумкин. Референдум ўтказиш тартиби ва референдумга қўйилган масалалар конституциявий қонун билан белгиланади.

Сайловлар эркин бўлиб, умумий, тенг, бевосита сайлаш ҳуқуқи

асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Қирғизистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Эркин сайловлар қонунда аниқланган тартибда сиёсий партияларнинг қатнашуви билан тузилган сайлов комиссиялари орқали таъминланади.

2-МОДДА

1. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг бирон бир қисмига эмас, балки бутун жамиятга хизмат қилади.

2. Халқнинг ҳеч қандай қисми, ҳеч қандай бирлашма ва ҳеч қанақа алоҳида шахс мамлакатда ҳокимиятни ўзлаштириб олишга ҳақли эмас.

3. Давлат, унинг органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари ҳамда уларнинг амалдорлари ушбу Конституцияда вақонунда аниқланган ваколатлар доирасидан чиқишлари мумкин эмас.

3-МОДДА

1. Қирғизистон Республикасининг ҳудуди мавжуд чегараларда дахлсиз ва бўлинмасдир.

2. Давлат бошқарувини ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарувни ташкил қилиш мақсадида Қирғизистон Республикасининг ҳудуди қонун билан аниқланган маъмурий-ҳудудий бирликларга бўлинади.

Бишкек ва Ўш шаҳарлари республика аҳамиятига молик шаҳарлар ҳисобланади ва уларнинг мақоми қонун билан аниқланади.

4-МОДДА

1. Қирғизистон Республикасида мулк шакллари турлиги тан олинади ҳамда хусусий, давлат, муниципал ҳамда бошқа мулк шаклларининг тенг ҳуқуқий ҳимояланиши кафолатланади.

2. Мулк дахлсиздир. Ҳеч ким ўз мулкдан зўравонлик билан ажратилиши мумкин эмас. Мулкнинг олиб қўйилишига, мулкдорнинг хоҳишидан ташқари, фақат суд ҳукми орқалигина йўл қўйилади.

3. Қонунда кўзда тутилган фавқулодда ҳолатдагина мулкни давлат эҳтиёжи учун ўтказилиши олдиндан ўша мулкка тенг қийматга эга бўлган бадал тўлангандан сўнг бўлиши мумкин.

4. Қирғизистон Республикаси ўз фуқароларининг ва ҳуқуқий шахсларнинг мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқларини, шунингдек, чет

мамлакатлар ҳудудидаги ўз мулкни ҳам қўриқлайди.

5. Ер ва ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий бойликлар Қирғизистон Республикасининг мулки ҳисобланиб, Қирғизистоннинг келажак авлоди ва халқининг фаолияти ҳамда ҳаёт кечиришининг асоси сифатида фойдаланилади ва у мамлакатнинг мунтазам ривожланиши учун давлат томонидан махсус қўриқланади.

БИРИНЧИ БОБ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗИЛИШНИНГ АСОСЛАРИ



Ер хусусий, муниципал ва мулкнинг бошқа шакллари сифатида бўлиши мумкин. Яйловлар хусусий мулк бўлмайди.

Ер эгалари томонидан ўз ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш кафолатларини амалга ошириш тартиблари ва меъёрлари қонун билан аниқланади.

5-МОДДА

1. Қирғизистон Республикасининг давлат тили қирғиз тилидир.

2. Қирғизистон Республикасида рус тили расмий тил сифатида фойдаланилади.

3. Қирғизистон Республикаси Қирғизистон халқини ташкил этувчи барча миллат вакилларига ўз она тилини сақлаш ҳуқуқини, унинг ўрганилиши ва ривожланиши учун шароитлар яратилишини кафолатлайди.

4. Давлат тилини ёхуд расмий тилни билмаганлиги учун фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг камситилишига йўл қўйилмайди.

6-МОДДА

1. Қирғизистон Республикаси давлат рамзлари – Байроқ, Герб ва Гимнга эга. Уларнинг тавсифи ва расмий фойдаланиш тартиблари қонун билан белгиланади.

2. Қирғизистон Республикасининг пойтахти Бишкек шаҳридир.

3. Қирғизистон Республикасининг пул бирлиги сўмдир.

7-МОДДА

Қирғизистон Республикасида давлат ҳо-

кимияти:

• умумхалқ томонидан сайланган давлат бошлиғи – Қирғизистон Республикаси Президенти ва Жогорку Кенеш томонидан таъминланган ва олиб борилган халқ ҳокимиятининг устуворлиги;

• давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларига бўлиниши;

• давлат органларининг ва ўзини ўзи бошқарув органларининг халқ олдида жавобгарлиги ва уларнинг ўз ваколатларини халқ ман-

мақсад ва вазифаларни кўзлашга;

• диний ташкилотларнинг, диний сиғиниш жойлари хизматчиларининг давлат органлари фаолиятига аралашувига;

• фуқаролар бирлашмалари томонидан ҳарбийлаштирилган тузилмалар тузишга;

• сиёсий мақсадларни кўзловчи чет эл сиёсий партиялари, жамоат ва диний ташкилотлари, уларнинг ваколатхоналари ва шохобчаларининг фаолиятига йўл қўйилмайди.

9-МОДДА

1. Қирғизистон Республикаси ҳарбий куч билан ҳал қилинадиган босқинчилик ва ҳудудий даъвогарлик ҳамда экспансия мақсадларига эга эмас. Давлат ҳаётини ҳарбийлаштириш, давлат ва унинг фаолиятини уруш олиб бориш мақсадларига бўйсундиришни рад қилади. Қирғизистон қуроли Кучлари ўзини ўзи мудофаа қилиш ва етарли даражада мудофаа қобилиятини таъминлаш принципи асосида ташкил қилинади.

2. Қирғизистонга ва коллектив мудофаа мажбурияти билан боғлиқ бўлган бошқа давлатларга қилинган босқинчиликка қарши ҳолатлардан ташқари уруш олиб бориш ҳуқуқи тан олинмайди. қуроли Кучлар қисмларининг Қирғизистон ҳудудидан ташқарига чиқадиган ҳар бир ҳолатга Қирғизистон Республикасининг Жогорку Кенеш депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз бериб қабул қилинган қарори асосидагина рухсат берилади.

3. Қуроли Кучлардан давлатнинг ички сиёсий масалаларини ҳал қилишда фойдаланиш таъқиқланади.

4. Қирғизистон Республикаси умумий ва адолатли дунё бўлишига, ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорликка, тинчлик йўли билан минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал қилишга интилади.

10-МОДДА

Қирғизистон Республикасида фавқулодда ва ҳарбий ҳолат ушбу Конституция ва конституциявий қонунларда кўзда тутилган ҳолатлардагина киритилиши мумкин.

11-МОДДА

1. Қирғизистон Республикасининг давлат бюджети республика ва маҳаллий бюджетлардан ташкил топган бўлиб, ўзида давлатнинг даромадлари ҳамда харажатларини акс эттиради.

2. Республика ва маҳаллий бюджетларнинг тузилиши, қабул қилиниши ҳамда бажарилиши, шунингдек, бажарилишининг текширилиши қонун билан аниқланади. Республика бюджети ҳар йили қонун билан қабул қилинади.

3. Қирғизистон Республикасининг ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқларни белгилаш ҳуқуқи Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенешининг ихтиёридадир. Солиқ

тўловчиларнинг аҳолини ночорлаштирадиган янги солиқларни белгилаган қонунлар жорий этилмайди.

12-МОДДА

1. Конституция олий юридик кучга эга ва Қирғизистон Республикасида бевосита амал қилади.

2. Конституция асосида конституциявий қонунлар, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади.

3. Жорий қилинган қонун асосида кучга кирган Қирғизистон Республикаси иштирок этаётган халқаро шартномалар, битимлар ва шунингдек, ҳамма эътироф қилган халқаро ҳуқуқнинг меъёр ва принциплари Қирғизистон Республикасининг ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. ■

Дайджест

Муассис
"ISMC" жамоатчилик жамғармаси

Бош муҳаррир:
Шоҳруҳ СОИПОВ

Газета 2010 йилнинг 29 сентябрь кuni
Қирғизистон адлия вазирлиги Ўш шаҳар
бўлимида 51-рақам билан (гувоҳнома
рақами 001112) рўйхатдан ўтган.

Таҳририят манзили: Қирғизистон,
Ўш шаҳри, Г.Айтиев кўчаси, 6/3.
Телефон: 0553 801 666. Электрон
манзил: uzpress.kg@gmail.com

Газета "ОАВни қўллаш маркази"
жамоатчилик жамғармасининг
босмахонасида босилди.
Бишкек шаҳри, Горький кўчаси 1-б.